

Дажжолнинг сифатлари

Image not found or type unknown



16:58 / 31.05.2024 3098

هُلِّلَا يِضَرَ دِيغَس يِبَا نَع
هُلِّلَا لُوسَرُ هَيَقَل :لَاقُ هُنَع
مَلَسَوِ هَيَلَعُ هَلِّلَا يِلَص
ضَعَب يِف رَمُعَوِ رَكَب وَبَاو

هُوَ لَاقِفٌ ، نِي دَمْلَا قُرْطُ
هُلْ لِي لَصِ هَلْ لِي لُوسَرِ
يِنَا دَهْ شَتَا « : مَلَسَوِ هِي لَع
: وَهُوَ لَاقِفٌ ؟ « هَلْ لِي لُوسَرِ
؟ هَلْ لِي لُوسَرِ يِنَا دَهْ شَتَا
ي لَصِ هَلْ لِي لُوسَرِ لَاقِفِ
تَنْمَأ « : مَلَسَوِ هِي لَعْ هَلْ لِي
، هِبْتُ كَوِ هِتْ كِيْ أَلَمْ وَ هَلْ لِي
أَشْرَعِ يَرَأ : لَاقِ ؟ « يَرَتِ أَمْ
لُوسَرِ لَاقِفِ ، أَمْ لِي لَعِ
هُوَ لَعْ هَلْ لِي لَصِ هَلْ لِي
سِي لِبِ إِشْرَعِ يَرَتِ « : مَلَسَوِ
: لَاقِ ؟ « يَرَتِ أَمْ ، رُحْبُ لِي لَعِ

وَأَبِ ذَاكَ وَنَيْ قِ دَا صِ يَ رَأُ
: لَاقَ فِ ، أَقِ دَا صِ وَ نَيْ بِ ذَا كِ
هُوَ عَدْرُهُ يَلَعَسُ بُلُ

Абу Саъид розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий алайҳиссалом Абу Бакр ва Умар билан бирга уни Мадина кўчаларидан бирида учратдилар. Расулуллоҳ алайҳиссалом унга: «**Мен Аллоҳнинг Расули эканлигимга шаҳодат келтирасанми?**» дедилар. У эса «Сен ҳам менинг Аллоҳнинг Расули эканлигимга шаҳодат келтирасанми?» деди. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «**Мен Аллоҳга, Унинг фаришталарига ва китобларига иймон келтирганман**», дедилар. Сўнг: «**Сенга нималар кўринади?**» дедилар. «Сув устида турган Аршни кўраман», деди у. Расулуллоҳ алайҳиссалом: «**Иблиснинг денгизда турган аршини кўрар экансан. Яна нимани кўрасан?**» дедилар. «Икки содиқни ва бир козибни ёки икки козибни ва бир содиқни кўраман», деди. Шунда у зот: «**Бу алжираб қолибди, уни тек қўйинглар**», дедилар».

Шарҳ: Бу ривоят аввалгисини таъкидлаш билан бирга, Ибн Сайёднинг иблис билан алоқадорлигини очиқ-ойдин баён қилмоқда.

وَ أَجْجُحْ أَنْ جَرَّخَ : لَاقَ هُ نَعَوُ
دِيءِ أَصْنُ نَبَا أَنْ عَمَّ وَ أَرَامُع
قَرَفَاتَ فِ أَلْزَنْ مِ أَنْ لَزَنْ فِ
وَهُوَ أَنْ أَيْ قَبَّ وَ سَأَنْ لِ

ةَشَح وُهْنَم تُشَح وَتُسَاف
:لَاقِ، هَيْلَعُ لَاقِي أُمَمَّ دِي دَش
عَمُ هَعَضَ وَفِوَعَاتِم بَءَاجَ وَ
رَحَلَانِإِ: تُلُقَفِ، يِعَاتِم
تَحَتُّ هَتَّعَضَ وَوَلَفِ، دِي دَش
:لَاقِ لَعَفَفِ، هَرَجَش لَكُلَت
قَلَطَنَافِ، مَنَغَ أَنَلُ تَعَفُ رَفِ
بَرُشَا: لَاقِفِ، سُعَبَءَاجَ فِ
رَحَلَانِإِ: تُلُقَفِ، دِي غَسَ أَبَا
يِبَ أَمِ، رَاحُ نَبَلَلَاوُ دِي دَش
نَعَبَرُشَا نَأُ هَرَكَا يِنَا أَلِإِ
أِي: لَاقِفِ، هِدَيِ نَع دُخَا وَأِ، هِدَيِ
دُخَا نَأُ تَمَمَه دَقَلِ دِي غَسَ أَبَا

مُتِّهَجَشَبُ هَقْلَعُفُ أَلْبَح
يَلُوقِي أُمَمَ قِنْتَحَا
نَمِدِيغَسُ أَبَا أَيُّسَانِ
لُوسَرُّ ثِي دَحِ هَيَلَعَايَ فَاخ
هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا
مُكَيَلَعَايَ فَاخ أَمَمَلَسَو
نَمَتَسَلَا رَا صُنْ أَلَا رَشُغَم
لُوسَرُّ ثِي دَحِبِ سَانِ لِمَلَعَا
هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا
لُوسَرُّ لَأَقُ دَقِ سَيَلَا؟ مَلَسَو
هَيَلَعُ هَلَلَا يَلَصِ هَلَلَا
وَهُ: (لَأَجُّ دَلَايَ فَا) مَلَسَو
سَيَلَا وَأُ مَلَسُمَ أُنَاوُ، «رَفَاكُ

دَلُّوِي آلُ، مُيَقَعِ وَهُ «: لَأَقُ دَقُّ
يَدَلُّو تَكْرَتُ دَقُّو، «هُلَّ
لَأَقُ دَقُّ سَيْلِ وَأُ، عَنِّي دَمُّ لِيَابِ
هُلِّ لِي لَصِّ هَلِّ لِي لُوسَرِ هِي فِ
لُخْدِي آلُ» : مَلِّسَ وَ هِي لَع
دَقُّو، «هُكَّ مِ آلُ وَ عَنِّي دَمُّ لِي
أَنَّا وَ عَنِّي دَمُّ لِي نَمُّ تَلَبُّ قَا
يُدِي عَسِ وَبَّ لَأَقُ، هُكَّ مِ دِي رَا
: لَأَقُ مِّثْ، هَرْدَعَا نَأُ تَدِكِ يَّتَحِ
فِرْعَاوُ هُفِرْعَا لِي نِي هَلِّ لِي أَمَّا
: لَأَقُ، نَأَلَا وَهُ نِي أُو هَدِلُّومِ
رِيئِ اسِّ كَلِّ أَبَّتْ : هَلُّ تَلُّقِ
مَلِّسُمِ أُمُّ هَاوَرِ مِ مَوِي لِي

يٰۤاَيُّهَا الَّذِيْنَ اٰمَنُوْا

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Биз ҳажга [ёки умрага] отландик. Ибн Соид ҳам биз билан эди. Бир манзилга тушдик. Одамлар тарқалиб кетишди, мен эса у билан қолдим. Ибн Соид ҳақида айтилган нарсалар туфайли ундан кўрқиб, ҳадиксирадим. У нарсаларини олиб келиб, менинг нарсаларим устига қўйди. Мен унга: «Кун жуда исиб кетди. Буларни анави дарахтнинг остига қўйсанг қандоқ бўларкин?» дедим. У шундоқ қилди. Шу пайт узоқда қўйлар кўринди. У бориб, бир коса кўтариб келди ва: «Ич, Абу Саъид», деди. «Иссиқ кучайиб кетди, сут ҳам иссиқдир», дедим. Аслида унинг қўлидан бирон нарса ичгим ёки унинг қўлидан бир нарса олгим келмаётган эди, холос. У: «Абу Саъид! Одамлар мен ҳақимда айтаётган гаплардан безиб, баъзан гап-сўзларни деб, арқон олиб, анави дарахтга ўзимни осиб қўйгим келади. Абу Саъид! Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадислари кимгадир махфий қолган бўлса бордир, лекин сиз – ансорийларга махфий қолган эмас. Сен Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларини энг яхши биладиган одамлардан бирисан-ку! Расулуллоҳ алайҳиссалом (Дажжол ҳақида) «**У кофир**» деган эмасмилар? Мен эса мусулмонман. У зот «**У бепушдир, ундан насл туғилмайди**» демаган эдиларми? Менинг эса Мадинада ўғлим қолди. Расулуллоҳ алайҳиссалом у ҳақда «**У Мадинага ҳам, Маккага ҳам кирмайди**» демаган эдиларми? Мен эса Мадинадан келяпман, Маккага кетяпман», деди.

Шунда (у ҳақдаги гаплар ёлғон бўлса керак, деб ўйлаб) ҳаттоки унинг узрини қабул қилай дедим. Аммо у: «Аммо мен уни биламан, унинг туғилган жойини ҳам, ҳозир қаердалигини ҳам биламан», деб қолди. Шунда мен унга «Кўрган кунинг қурсин!» дедим».

Муслим ва Термизий ривоят қилганлар.

Шарҳ: Ибн Сайёднинг иши Пайғамбар алайҳиссаломдан кейин ҳам ноаниқлигича қолган экан. Одамлар орасида у ҳақда ҳар хил гаплар юрар, одамлар ундан қочар эканлар. Ушбу ривоятнинг ровийси Абу Саъид розияллоҳу анҳу ҳам ўшаларнинг бири экан. Аммо тақдир тақозоси билан ҳаж ёки умра сафарига Ибн Сайёд билан ҳамсафар бўлиб қолиб, ноилож у билан суҳбатлашиб, бир қанча гаплардан хабардор бўлган эканлар.

1. Ибн Сайёд одамларнинг ўзи ҳақидаги гапларидан сиқилиб, ўзини ўзи осмоқчи бўлиб юрар экан.

2. Ибн Сайёд Расулуллоҳ алайҳиссаломнинг ҳадисларидан далиллар келтириб, ўзининг Дажжол эмаслигини таъкидлар экан. Масалан, «Расулуллоҳ алайҳиссалом (Дажжол ҳақида) «**У кофир**» деган эмасмилар? Мен эса мусулмонман»; «**У зот «У бепушт бўлади, ундан насл туғилмайди**» демаган эдиларми? Менинг эса Мадинада ўғлим бор»; «Расулуллоҳ алайҳиссалом у ҳақда «У Мадинага ҳам, Маккага ҳам кирмайди» демаган эдиларми? Мен эса Мадинадан келяпман, Маккага кетяпман», дер экан.

3. Аммо Ибн Сайёд «Мен Дажжолни биламан» деганидан кейин Абу Саъид розияллоҳу анҳунинг у ҳақдаги фикрлари яна ўзгариб қолган экан.

هُلِّلَا يَضَرَّ رَمْعٌ نُبَا نَاكَو
نُبَا يِقْلَفِ يَشْمِي هُنَع
قُرْطِ ضَعَبِ يِفِ دِيءِ اص
الْوَقُّ هَلَّ لِقَافِ، هَنِي دَمْلَا
الْمِ يُّتَحَّخَفَتْنَا فُ هَبَضْعَا
يَلَعِ رَمْعٌ نُبَا لَخَدَفِ، هَكِّسْلَا
تَلِقَافِ، هَعَلَبُ دَقْوَهْ صَفَح
نَمَتُ دَرَأَمِ، هَلِّلَا كَمَحَرُّ هَل

نَا تَمْلَعِ أَمَّا؟ دِيءُ أَصْرٍ نُبَا
هَلْ لِي إِصْرٌ هَلْ لِي لُؤْسَرٌ
أَمَّنَا؟ لَأَقِمْ لَسَوْ وَهِيَ لَع
أَهْبَضْ غِيَّةً بَصَغُ نَمُ جُرْحِي

«Ибн Умар Мадина кўчаларидан бирида Ибн Соидга дуч келиб қолиб, унга бир гап айтган эди, у ғазабланиб кетиб, кўчага тўлгудек шишиб кетди. Сўнг Ибн Умар Ҳафсаникига кирди. Унга бунинг хабари етиб келган экан. (Ҳафса) унга шундай деди: «Аллоҳ раҳм қилгур, Ибн Соиддан нима истаган эдинг? Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «**У (Дажжол) қаттиқ ғазаблангани тугайли зоҳир бўлади**» деганларини билмасмидинг?» деди».

Шарҳ: Дажжолнинг одамларга хуруж қилиши ғазаби қаттиқ чиқишидан бошланар экан. Буни Расулulloҳ алайҳиссаломнинг завжаи мутоҳхаралари, Ибн Умар розияллоҳу анҳунинг опалари бўлмиш Ҳафса онамиз яхши билар эканлар.

يَرْخُ أُمَّرْمُهُ تِي قَل: لَأَقِمْ هُنَّ عَو
تُلُقُفُهُ هُنِّي ع تَرْفَن دَقَو
يَرَأ أَم كُنِّي ع تَلَعَف ي تَم
يَرَدَت أَل: تُلُقُفُهُ، يَرَدَأ أَل: لَأَقِ
ءَأَشُّ نَا: لَأَقِمْ، كَسُ أَرِي فَي هَو

هَذِهِ كَأَصْعِ فِي أَهْقَلِخْ هَلْ لَأ
رَامِحَ رِيخَنْ دَشْ أَكْ رَخَنْ فِ: لَأَق
ضُغَبَ مَعَزَفِ: لَأَقِ، تُعَمَسِ
هُتَبَرَضِ يِّنْ أَيْبِ أَخْ صَأ
يُّتَحَ يَغَمُ تَنَّاكْ أَصْعَبِ
أَمْ هَلْ لَأَوِ أَنْ أَوْ تَرَسْ كَتِ
مُأِ يَلَعُ تَلِخْ دُمُ ثُ، تُرَعَشِ
أَهْتُتْ دَحَفِ نِي نِمُؤْمُ لَأ
أَمْ أَيْ لَأِ دِيرُتْ أَمْ: تَلَأَقَفِ
أَمْ لَوَأُ نَأِ» لَأَقِ دَقُ هُنَأُ مَلُغَتِ
بَضَغِ سَأْنِ لَأِ يَلَعُ هُتَغَبِي
مَلُسُمُ أَمْ هَأُورِ. «هُبَضُغِي

Яна ўша кишидан ривоят қилинади:

«Иккинчи бор учратганимда унинг бир кўзи бўртиб чиққан экан. Унга:
«Кўзинг қачон бундай бўлиб қолди?» десам, «Билмадим», деди. Мен:

«Бошингдаги нарсани билмайсанми? Агар Аллоҳ хоҳласа, уни (кўзингни) мана шу ҳассангда пайдо қилиб қўярди», деган эдим, у эшакка ўхшаб шундай пишқириб юбордики, умримда эшакнинг бунчалик қаттиқ пишқирганини эшитмаганман. Баъзи шерикларим қўлимдаги ҳассам синиб кетгунича уни дўппослаганимни айтишди, аммо Аллоҳга қасам, ўзим буни сезмадим. Сўнг бориб, мўминлар онасининг (Ҳафсанинг) олдига кириб, унга бўлган гапни айтиб берган эдим, Ҳафса: «Ундан (Ибн Сайёддан) нима истайсан? У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам: **«Уни одамларнинг бошига келтирадиган биринчи нарса - унинг қаттиқ ғазабланиши»**, деганларини билмасмидинг?» деди».

Шарҳ: Дажжолнинг кўзи бўртиб чиққан бўлар экан. Бу сифат Ибн Сайёдда ҳам пайдо бўлган экан. Унинг эшакка ўхшаб ҳанграши ҳам бор экан.

«Фитналар ва Қиёмат аломатлари» китобидан